



Toshkent davlat
sharqshunoslik universiteti

XXI ASR: FAN VA TA'LIM MASALALARI

ilmiy elektron jurnali

ISSN: 2181-9874



EDUCATION

2025

1950-1970 ЙИЛЛАРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИНГ ҲОЛАТИ ХУСУСИДА

Иззатилла М. Хайдаров

Тарих фанлари доктори (DSc)

*“Марказий Осиё халқлари тарихи” кафедраси доценти,
Тошкент давлат шарқишунослик университети*

Аннотация. Ушбу мақолада 1950–1970-йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида енгил ва озиқ-овқат саноати ривожининг ҳолати таҳлил қилинган. Совет даврида ишлаб чиқаришнинг хом ашё базаси заифлиги, техник жиҳозларнинг эскилиги, марказлаштирилган бошқарув тизими, маҳсулот сифатининг пастлиги ва пахта яккаҳокимлиги саноатнинг ўсишига жиддий тўсиқ бўлган. Беш йиллик режаларда белгиланган мақсадларга қарамай, кўпгина ишлаб чиқариш натижалари муваффақиятсизлик билан тугаган. Статистик маълумотлар асосида республика саноатида сифатсиз маҳсулотлар улушининг юқори бўлгани, қайта ишлашга қайтарилган маҳсулотлар ҳажми ва моддий зарарлар кўрсатиб берилган. Мақолада айнан ушбу муаммолар асосида ечим топиш йўллари таклиф этилади.

Калит сўзлар: Совет даври, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, маҳсулот сифати, хом ашё, беш йиллик режалар, қайта ишлаш, пахта яккаҳокимлиги, иқтисодий сиёсат, сифатсиз маҳсулот.

О СОСТОЯНИИ ЛЕГКОЙ И ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА В 1950–1970-Е ГОДЫ

Иззатилла М. Хайдаров

Доктор исторических наук (DSc),

*Доцент кафедры истории народов Центральной Азии
Ташкентского государственного университета востоковедения*

Аннотация. В статье анализируется состояние развития лёгкой и пищевой промышленности Республики Узбекистан в 1950–1970-е годы. В советское время слабость сырьевой базы производства, устаревание технического оборудования, централизованная система управления, низкое качество продукции и хлопковая монополия были серьёзными препятствиями

для роста отрасли. Несмотря на поставленные в пятилетних планах цели, многие производственные показатели оказались неудовлетворительными. На основе статистических данных показаны высокая доля некачественной продукции в промышленности республики, объёмы возврата продукции на переработку и материальные потери. В статье предлагаются пути решения этих проблем.

Ключевые слова: Советское время, лёгкая промышленность, пищевая промышленность, качество продукции, сырьё, пятилетние планы, переработка, хлопковая монополия, экономическая политика, некачественная продукция.

ON THE STATE OF THE LIGHT AND FOOD INDUSTRIES IN UZBEKISTAN IN THE 1950S–1970S

Izzatillakhon M. Haydarov

Doctor of Historical Sciences (DSc),

Associate Professor, Department of History of the Peoples of Central Asia,

Tashkent State University of Oriental Studies

Annotation. The article analyses the state of development of the light and food industries in the Republic of Uzbekistan in the 1950s–1970s. During the Soviet era, the weakness of the raw material base for production, outdated technical equipment, a centralised management system, low product quality, and the cotton monopoly were serious obstacles to the growth of the industry. Despite the goals set in the five-year plans, many production indicators were unsatisfactory. Statistical data show a high proportion of substandard products in the republic's industry, the volume of products returned for reprocessing, and material losses. The article proposes ways to solve these problems.

Keywords: Soviet era, light industry, food industry, product quality, raw materials, five-year plans, processing, cotton monopoly, economic policy, low-quality products.

КИРИШ

1950–1970-йиллар Ўзбекистон иқтисодий тарихида саноатни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнининг муҳим босқичларидан бири

ҳисобланади. Мазкур даврда асосий эътибор пахта етиштириш ва хом ашёни бошқа иттифоқ республикаларига етказишга қаратилиб, мамлакатда аҳоли эҳтиёжи учун мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш етарлича ривожлантирилмади. Совет ҳокимияти давридаги маъмурий буйруқбозлик, марказлашган режалаштириш ва техник жиҳозларнинг етарлича янгиланмагани саноатни ривожланишдан ортда қолдирди. Бу ҳолат республика аҳолисининг кундалик турмушда зарур бўлган саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондирилмаган ва миллий иқтисодиётда мувозанатсизликлар юзага келишига сабаб бўлди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон халқини енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари билан, саноатнинг қайта ишлаш соҳасини эса хом ашё билан таъминлаш масаласини ҳал қилиш узок йиллар мавҳумлигича қолаверди. Ўзбекистон аҳолисини енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган маҳсулотларни бошқа республикалардан ташиб келтириш миқдори камайтирилгани ҳолда, Совет Иттифоқнинг бошқа минтақаларини, хусусан енгил саноатнинг қайта ишлаш корхоналарини республикада тайёрланган хом ашё билан таъминлаш ҳажми ортиб борди.

УСУЛЛАР

Мазкур тадқиқот тарихий таҳлил ва манбалар асосида амалга оширилган. Совет давридаги архив ҳужжатлари, расмий статистик маълумотлар ва партия ҳисоботлари таҳлил қилиниб, 1950–1970-йилларда саноат тармоқларида кузатилган муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланган. Шунингдек, маҳсулот сифатини баҳолашга оид давлат инспекцияси хулосалари ҳам таҳлил объекти сифатида олинди. Контент-таҳлил ва таърифий методлардан фойдаланилган.

МУҲОКАМА

Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга тўсқинлик қилиб келган асосий сабаблар шу эдики, бу саноатнинг бир қатор тармоқларида (консерва, гўшт, сут ва бошқа тармоқларида) хом ашё етишмас, бутунлай ёки қисман четдан келтириладиган хом ашёда ишлайдиган бошқа тармоқларда эса) ишлаб чиқариш қувватлари жуда суст ўстириб борилди¹.

Ўзбекистон аҳолисини енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари билан таъмилаш, уларни ишлаб чиқариш республика халқ хўжалигининг беш йиллик режаларида асосий ўринларда турсада, бу режа ва бошқа тадбирлар ўз вақтида бажарилмас, ёки бажарилиши якунига етмай ярим йўлда қолиб кетарди. Маъмурий буйруқбозлик тизимини кучайиши, марказдан туриб режалаштириш, пахта яккаҳокимлигининг амалга оширилиши, саноат корхоналарини асосан хом ашёни қайта ишлашнинг дастлабки босқичларга мослашиши жамиятни “эркин” ҳолда олдинга қараб ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқаришда чиқимлар фойдадан ошиб кетиб, уларнинг ўртасидаги фарқ иттифоқ буюджети ҳисобидан қопланар эди. Саноат ишлаб чиқаришида маҳсулот сифатига эмас, балки унинг миқдорига катта эътибор берилди. Мисол учун, 1950-1954 йилларда район-шаҳар саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан 1,422 минг сўмлик маҳсулот сифатсиз ёки умуман истеъмолга яроқсиз деб топилган эди². Бу ҳол кейинчалик ҳам давом этиб борди. 1959 йилда давлат инспекцияси озиқ-овқат саноати томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларини яроқсиз деб топиб, 1958 йилдагидан кўп миқдордаги маҳсулотлар сифатини тушириб ташлаган эди. Хусусан макарон маҳсулотларининг 41,5%и (1958 йилдагидан 0,8%га кўп), гўшт маҳсулотларининг 8,4%и (1958 йилдагига нисбатан 5,3%га кўп), вино 15,1% (1958 йилдагидан 7%га кўп), сут маҳсулотларининг 20,3%и (8,5%),

¹ Цунц З. Ўзбекистон озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг етилган масалалари // Ўзбекистон коммунисти. № 12. 1971. 31-бет.

² Ўзбекистон РПДА. 58-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 275-варак.

тикувчилик молларининг 35,4%и, трикотаж маҳсулотларининг 18,8%и, чармдан қилинган оёқ кийимларининг 18,8%и яроқсизга чиқарилган эди³.

Шу ва бошқа сабабларга кўра республика саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш ҳажми йилдан-йилга камайиб бораверди. Тўртинчи беш йилликда (1945 йилдан % 1950 йилгача) – 11,4%, бешинчи беш йилликда (1955 йилдан % 1955 йилгача) – 10,4%, олтинчи беш йилликнинг уч йилда (1958 йилдан % 1955 йилгача) – 5,9%. Етти йилликда (1955 йилдан % 1968 йилгача) 8,7%, шу билан бирга кейинги беш йилда (1960 йилдан % 1965 йилгача) 8,4%⁴. Бундай аҳвол кейинги йилларда ҳам давом этди.

Шулар билан бирга айти муаммолардан яна бири маҳсулот сифати масаласи бўлиб, 1963 йилда “Фарғона” пайабзал фирмаси томонида ишлаб чиқилган турли артикулдаги 53953 жуфт оёқ кийимидан 17533 жуфти ёки 32,7%и савдо муассасалари томонидан қайта ишлашга корхонага қайтариб юборилган. Бундай сифатсиз маҳсулот тайёрлаш оқибатида корхона 53,8 минг сўм (ундан 12,0 минг сўми савдо муассасаларига жарима сифатида тўланган) зиён кўрган эди⁵. Кейинги йилда аҳвол ундан ҳам ёмон бўлди, 1964 йилда савдо ташкилотлари фирмада ишлаб чиқарилган 60 минг жуфт (ёки 37,8%) оёқ кийими қайта ишлашга қайтариб бориши оқибатида тўланган жарима 85,5 минг сўмни ташкил этган эди. Бундай аҳвол бошқа жойларда ҳам кўзга ташланарди. Хусусан 1964 йилда Марғилон ипак фабрикасига ишлаб чиқарилган 21,5% маҳсулот яроқсиз бўлган (344 минг сўмлик) бўлса, Самарқанд тикувчилик фабрикасининг 21,1% маҳсулоти, Наманган тикувчилик №2 фабрикасининг 21% маҳсулоти яроқсизга чиқарилиб фабрикага қайта ишлашга қайтариб юборилган эди⁶.

Бу каби мисолларни Бухоро вилояти мисолида кўриб чиқиладиган бўлса шу ҳолат маълум буладики, хусусан 1967 йилда вилоят оёқ кийим

³ Ўзбекистон МДА. 2384-фонд, 17-рўйхат, 799-иш, 162-варақ.

⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Сборник статических материалов. – Т.: Узбекистан, 1967. стр. 44.

⁵ Ўзбекистон МДА. 2384-фонд, 5-рўйхат, 576-иш, 183-варақ.

⁶ Ўзбекистон МДА. 2384-фонд, 5-рўйхат, 587-иш, 3-варақ.

фабрикаси ишлаб чиқарилган сифатсиз маҳсулотлар учун 55 та эътирознома олган бўлиб, улар учун 35 минг сўм жарима тўланган бўлса, трикотаж фабрикаси эса 15 та эътирознома олган бўлиб, унинг 1800 та маҳсулоти яроқсизга чиқарилган. Шу билан бирга “ВЛКСМнинг 20 йиллиги” фабрикаси ишлаб чиқарган сифатсиз маҳсулоти учун 32 та эътирознома олган бўлиб, ундан 4571 сўм зиён кўрган бўлса, “Партиянинг XVI съезди” фабрикаси ишлаб чиқарган сифатсиз маҳсулоти учун 19 та эътирознома олган бўлиб, у учун 2117 сўм жарима тўлаган⁷.

Ўзбекистон пахта етиштириш борасида СССР биринчи, дунё миқёсида етачи учликдан бирини эгаллаган бўлсада, пахта етиштирилмайдиган давлатлардан ҳам аҳоли жон бошига пахта газламаларини ишлаб чиқаришда анча орқада эди. Бунинг камига республикадаги мавжуд корхоналарида техник ва технологик жараёнларни тўғри ташкил этилмаган, тўқув машиналари эса замон талабларига жавоб бермас эди. Масалан, 1957 йил 1 январигача бўлган маълумотларга қараганда республика енгил саноат корхоналаридаги 914 та янги тўқув машиналари чет эл фирмалари томонидан 1890-1910 йилларда чиқарилган бўлиб, улар жисмоний ва маънавий эскирган эди. Шунингдек республика тўқимачилик корхоналарида пайпоқ тўқийдиган автомат дастгоҳлар мавжуд дастгоҳлар-нинг 22%ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич эса РСФСРда – 33%, АҚШда – 80%га тенг бўлган. Бу эса ўз навбатида республика аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг кам бўлишига олиб келган.

Республика енгил саноати хом ашё, энергетика меҳнат захираларини кўп бўлишига қарамасдан аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришдан орқада қолаётган эди. Айниқса енгил саноат саноатнинг бошқа тармоқларига қараганда анча орқада эди. Ишлаб чиқариш бешинчи беш йилликда оғир саноат тармоқларида енгил саноат тармоқларига қараганда 1,5

⁷ Ўзбекистон РПДАнинг Бухоро вилояти бўлими. 1-фонд, 31-рўйхат, 21-иш, 74-варак.

марта ошган бўлса, олтинчи беш йилликда оғир саноатда ишлаб чиқариш 2,1 марта кўпайиб енгил саноатда бу атига 20%ни ташкил этган эди⁸.

Хусусан, республика енгил саноати хом ашё, энергетика ва меҳнат захираларининг кўплигига қарамай, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришдан орқада қолаётган эди. Айниқса, енгил саноат саноатнинг бошқа тармоқларига қараганда жуда орқада эди. Масалан, бешинчи беш йилликда ишлаб чиқариш оғир саноат тармоқларида енгил саноат тармоқларига қараганда 1,5 марта ортган бўлса, олтинчи беш йилликда оғир саноатда ишлаб чиқариш 2,1 марта кўпайиб, енгил саноатда бу кўрсаткич атиги 20 %ни ташкил этган эди⁹.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон саноатининг қатор йиллар давомидаги тармоқ тузилмасининг тадқиқи шуни кўрсатадики, кўриб чиқиладиган даврда ишлаб чиқариш тузилмаси сон ва сифат жиҳатдан ўзгарди. Бунда асосан оғир саноат индустриясига катта эътибор қаратилдики, у бутун саноат ялпи маҳсулотининг ярмидан кўпини берарди. Айни пайтда оғир саноат салмоғи тез суръатлар билан ошиб боргани ҳолда, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларининг салмоғи эса мунтазам суратда пасайиб бораверди.

Саккизинчи беш йилликка келибгина оғир саноат тармоқлари билан бир қаторда истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи тармоқлар ҳам сезиларли ривожлантирилди. Енгил саноатга ажратилган капитал маблағлар беш йил ичида 1,4 баравар кўпайди. Буни қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин.

1-жадвал.

Иттифок ягона халқ хўжалиги комплексида Ўзбекистон ССР салмоғи (айрим саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича, 1966 йил)¹⁰

Пахта териш машиналари		Ипак матолари	
------------------------	--	---------------	--

⁸ Нишонов Н. Эффективность развития легкой промышленности в Узбекистане. – Т., 1973. – С. 13.

⁹ Нишонов Н. Эффективность развития легкой промышленности в Узбекистане. – Т., 1973. – С. 13.

¹⁰ Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Сборник статистических материалов. – Ташкент: Узбекистан. – С. 33.

Трактор сеялкалари		Ўсимлик ёғи	
Кўрак чувиш машиналари		Минерал ўғит	
Пахта тозалаш ускуналари		Электр энергияси	
Пахта толаси		Кўмир	
Ипак хом ашёси		Цемент	
Пахта хом ашёси		Шифер	
Луб маҳсулотлари		Мева ва резаворлар	
Ипак қурти		Тери пойабзал	
Қоракўл		Узум	
Пахта матолари		Консервалар	
Гуруч		Нефть	
Газ		Сабзавотлар	

Бу жадвалдан кўришиб турибдики, Ўзбекистоннинг енгил саноати умумиттифоқ меҳнат тақсимоотида тобора муҳим ўрин тута бошлаган. Шунга кўра, Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича мамлакатда биринчи ўринни, ип-газлама ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ўринни, ипак газлама ишлаб чиқариш бўйича учинчи ўринни эгаллаб турарди. Ўзбекистон енгил саноати маҳсулотлари нафақат иттифоқ аҳамиятига, балки хорижда ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, айти даврада 30 дан ортиқ дунё мамлакатларига (Болгария, Венгрия, Польша, Чехословакия ва бошқа Европадаги давлатларга) унинг маҳсулотлари экспортга чиқариларди¹¹. 1966 йилда республикада 182,1 миллион квадрат метр ип газлама, 38,9 миллион квадрат метр ипак газлама ишлаб чиқарилган эди. Бироқ ип газлама ишлаб чиқаришнинг ўша даврдаги бу миқдори республиканинг ички эҳтиёжини қоплай олмади¹². Айти даврада тўқимачилик корхоналари республикада қайта ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг атиги 3,1 %ини газламага айлантирган бўлса, Иттифоқда ишлаб чиқарилган ипак газламаларнинг 4,2 %и Ўзбекистонга тўғри келар эди.

Кейинги йилларда енгил саноат 150 дан ортиқ йирик корхоналарга эга бўлган ва республикани индустриллаштиришда муҳим ўрин эгалловчи кўп тармоқли комплексга айланганди. Сўнгги йилларнинг ўзидагина бу тармоқнинг Наманганда ипак ва костюмбоп газламалар комбинати,

¹¹ Зиядуллаев С.К. Легкая индустрия Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1970. – С. 4.

¹² Акрамов З.М. Ўзбекистон ишлаб чиқариш комплекслари ва уларни ривожлантириш соҳасидаги асосий вазифалар. – Ташкент: Ўзбекистон КП МКнинг Бирлашган нашриёти, 1967. – Б. 16.

Андижонда трикотаж фабрикаси, “Ўзбекистон” номли чарм ишлаб чиқарувчи Тошкент уюшмаси, Чирчиқда тикув фабрикаси, Самарқандда плашч ишлаб чиқарувчи фабрика ва қатор пахта заводлари каби йирик корхоналар курилиб, фойдаланишга топширилди. Буларга қўшимча тўқилмайдиган материаллар, сунъий чарм ва пленка материаллари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ўша йиллари саноат маҳсулоти умумий салмоғининг 18%га яқинини озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ташкил этарди. Мазкур тармоқ 20 дан ортиқ кичик тармоқлар ва корхоналарга эга эди. Ёғ, консерва, гўшт-сут, виночилик тармоқлари уларнинг энг катталари ҳисобланарди.

ХУЛОСА

Умуман айтганда, енгил саноат маҳсулотларининг кўпгина турларини аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон иттифоқдош республикалар орасида энг кейинги ўринлардан бирини эгалларди. Чунончи, 1970 йилда иттифоқда аҳоли жон бошига ўрта ҳисобда 25,5 квадрат метрдан ип-газлама ишлаб чиқарилгани ҳолда, Ўзбекистонда атиги 14,4 квадрат метрдан ишлаб чиқарилган, 1971 йилда эса иттифоқ бўйича 25,8 ва Ўзбекистонда 13,4 квадрат метр ип-газлама чиқарилиб, ўртадаги фарқ янада катта бўлган эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Цунц З. Ўзбекистон озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг етилган масалалари // Ўзбекистон коммунисти. № 12. 1971. 31-бет.
2. Ўзбекистон РПДА. 58-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 275-варақ.
3. Ўзбекистон МДА. 2384-фонд, 17-рўйхат, 799-иш, 162-варақ.
4. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Сборник статических материалов. – Т.: Узбекистан, 1967. стр. 44.
5. Ўзбекистон МДА. 2384-фонд, 5-рўйхат, 576-иш, 183-варақ.
6. Ўзбекистон МДА. 2384-фонд, 5-рўйхат, 587-иш, 3-варақ.
7. Ўзбекистон РПДАнинг Бухоро вилояти бўлими. 1-фонд, 31-рўйхат, 21-

иш, 74-варақ.

8. Нишонов Н. Эффективность развития легкой промышленности в Узбекистане. – Т., 1973. – С. 13.
9. Нишонов Н. Эффективность развития легкой промышленности в Узбекистане. – Т., 1973. – С. 13.
10. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Сборник статистических материалов. – Ташкент: Узбекистан. – С. 33.
11. Зиядуллаев С.К. Легкая индустрия Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1970. – С. 4.
12. Акрамов З.М. Ўзбекистон ишлаб чиқариш комплекслари ва уларни ривожлантириш соҳасидаги асосий вазифалар. – Ташкент: Ўзбекистон КП МКнинг Бирлашган нашриёти, 1967. – Б. 16.